

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

**1-МЖ-10 гуруҳ талабаси
Исаков Хусниддин Мусоҳонович
*БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**Мавзу: Корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти самарадорлигини
комплекс баҳолаш
(Учқўрғон дон маҳсулотлари АЖ мисолида)**

Илмий раҳбар:

и.ф.н. Т.Дадабоев

Наманган-2014

Аннотация

Исақов Хусниддин Мусохонович “Қорхонанинг молиявий хўжалик фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш” мавзусидаги битирув малакавий ишида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қорхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг моҳияти ва аҳамияти, “Учқўрғондонмахсулотлари” акционерлик жамияти ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими ва уни самарадорлигини баҳолаш, қорхоналар молиявий – хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича тақлиф ва тавсилар ишлаб чиқилган.

Битирув малака иши Кириш, 3 та боб, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

МУНДАРИЖА

	Кириш	4
I боб	Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг моҳияти ва аҳамияти	6
1.1.	Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг моҳияти ва унинг турлари	6
1.2.	Корхоналарда таҳлилий ишларни режалаштириш ва маълумотларни қайта ишлаш тартиби	9
1.3.	Иқтисодий субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили	14
II боб	«Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамияти ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими ва уни самарадорлигини баҳолаш	18
2.1	«Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамиятининг иқтисодий тавсифи ва ривожланиш хусусиятлари	18
2.2	«Учқўргондон маҳсулотлари» акционерлик жамиятининг молиявий барқарорлиги кўрсаткичларини баҳолаш	23
2.3	«Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамиятининг бошқарув тизими таҳлили ва унинг фаолиятидаги асосий муаммолари	26
III боб	Корхоналар молиявий – хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш	29
3.1.	Корхоналар хўжалик фаолиятида активлар самарадорлигини ошириш	29
3.2.	Корхоналар хўжалик фаолиятида инвестициялар самарадорлигини ошириш	31
3.3.	Корхона молия ресурсларини такомиллаштириш масалалари	34
	Хулоса	37
	Фойдаланган адабиётлар рўйхати	39

Кириш

Битирув малака иши мавзусининг долзарблиги. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодийтимизда давлат корхоналари билан бир вақтнинг ўзида акционерлик жамиятлари, ширкатлар, ижара, кичик корхоналар ҳамда қўшма корхоналар фаолият кўрсатади. Ушбу корхоналар республикада қабул қилинган «Мулк тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан ўз фаолиятларини юритади. Юридик ҳуқуққа эга бўлган корхоналар мустақил балансга, банк муассасасида эса ўзининг ҳисоб рақамларига эга бўлиб, улар бошқа корхона ва фирмалар билан мустақил равишда ўзаро ҳисоб-китобларни олиб боради. Янги шароитда корхоналар фаолиятининг асосий тамойили-ўз харажатларини ўзлари қоплаши, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашдан иборат. Мамлакатимизда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларга асосан ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатини юритиши, молиявий ҳисобот тузиши ва тақдим этиши кўзда тутилган. Ҳисобот маълумотлари хўжалик операцияларига асосланган, аниқ ва тўғри тузилган бўлиши керак. Ушбу маълумотлар орқали корхонанинг мулкӣ ва молиявий ҳолати баҳоланади ва иқтисодий барқарорлиги аниқланади.

Мамлакатни модернизация қилиш корхоналарнинг иқтисодӣ ва молиявий барқарорликка эришишида муҳим омиллар мавжуд бўлиб, уларни оқилона бошқариш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, ҳисоб-китоб юритишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаш, молиявий менежмент ишларини тўғри йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш энг долзарб вазифалардан саналади.

“Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташки давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамадан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди¹”.

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар мулкнинг таркибини ўрганиш ва уни қўпайтириш йўллари аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутди. Айниқса балансга қараб, корхона мол-мулки ва активларининг таркибини кузатиш, соф айланма маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради.

Одатда корхона маблағларига узоқ муддатли активлар ва жорий (айланма) активлари киради. Уларнинг миқдори ҳиссадорлик, ҳамкорлик, кичик ва бошқа корхоналарнинг катта-кичиклигига, ихтисослашуви ва бозор шароити рақобатларига бардошлигига боғлиқдир. Мана шу жиҳатлардан келиб чиқиб мазкур мавзу долзарб ҳисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ривожланган мамлакатлар иқтисодӣ адабиётларида корхоналар молиявий хўжалик фаолиятини самарадорлигини ошириш

¹ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодӣ дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2014 й. 19 январь.

муаммоларига катта аҳамият берилган. Бу муаммони ўрганишга И.А. Бланк, Е.И. Бородин, Д. Петкин, И. Шумпетер, С.Л.Брю, Ж.Веттон, Э.Ж. Долан, П.Друкер, К.Р. Макконелл, К.Ховард ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда корхоналар молиявий хўжалик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари А. Бурхонов, О. Бобожонов, А. Вахабов, С. Вохидов, Х. Жамалов, Г. Қосимова ва бошқалар ўрганилаётган мумони назарий ва услубий томонларини ёритишда ўз хиссаларини қўшишган.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий **мақсади** ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда корхоналар хўжалик фаолиятини комплекс баҳолашда корхона молия ресурслари таҳлили ва молия ресурсларини такомиллаштириш масалаларини ёритиб беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш изланиш олдига қуйидаги **вазифаларни** қўяди:

- Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг моҳияти ва унинг турларини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиш;

- Корхоналарда тахлилий ишларни режалаштириш ва маълумотларни қайта ишлаш тартибини очиб бериш;

- Иқтисодиёт субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили

- “Учқўрғон дон маҳсулотлари” акционерлик жамиятининг молиявий барқарорлиги кўрсаткичларини баҳолаш

- Корхона молия ресурсларини ташкил этишда активлар самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича таулиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малака ишининг объекти сифатида - “Учқўрғон дон маҳсулотлари” акционерлик жамияти белгиланган.

Битирув малака ишининг предмети сифатида иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналардаги мавжуд молиявий муносабатлар мажмуи танланди.

Битирув малака ишининг услубий ва назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат модернизациялаштириш сиёсатида оид асарлари, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини баҳолашга ва уларни ривожлантиришга бағишланган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикасида корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

Битирув малака ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилояти иқтисодиётининг турли соҳаларида корхоналарни истиқболда ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Корхона иқтисоди», «Молиявий бошқарув» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малака ишининг таркиби Битирув малака иши Кириш, 3 та боб, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

I БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг моҳияти ва аҳамияти

1. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлилининг моҳияти ва унинг турлари

Табиат ва ижтимоий ҳаёт ходисаларини ўрганиш анализ яъни таҳлилсиз мумкин эмас. "Анализ" атамаси грекча сўздан олинган бўлиб, унинг таржимаси "бўламан", "қисмларга ажратаман" маъносини англатади. Демак, у ёки бу ходисани урганиш учун уни ягона бир тизим сифатида алоҳида булакларга булиш анализ яъни таҳлилнинг мазмунини англатар экан. Бундай қисмларга булиш эса, урганилаётган воқеа-ходисаларнинг моҳиятини тушунишда, унинг ички боғлиқликларини урганишда кул келади. Масалан, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини тушуниш учун унинг қандай элементлардан ташкил топганлигини ва уларнинг узгариши қандай омилларга боғлиқ эканлигини билиш талаб қилинади. Таннарх қанчалик майдалаштирилган ҳолда урганилса, бошқарув учун шунчалик қўл имконият пайдо бўлади. Шу билан бир қаторда шуни ҳам айтиш даркорки, анализ қўпчанча синтез билан биргаликда ишлатилади. Синтез ёрдамида бир бутуннинг алоҳида булаклари ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, анализ ва синтез замонавий диалектикани ҳосил қилади. Анализ эса кенг маънода атрофимиздаги воқеа-ходисаларни уларни булакларга булиш ва уларнинг ўзаро алоқаларини урганиш усулидир.

Ҳаётда, фан соҳасида анализ ёки таҳлил сузи жуда қўп ишлатилади. Масалан, физик, кимёвий, математик, статистик, иқтисодий ва бошқа турдаги таҳлил атамаларини қўп эшитганмиз. Бу таҳлил турлари бир-бирларидан урганиладиган объектлари, мақсади ва урганиш услубияти билан фарқ қилади. Иқтисодий таҳлил бошқа таҳлиллардан шу билан фарқ қиладики, у абстракт-мантикий урганиш усули ҳисобланиб, унда маҳсус қўрилмалар ёки асбобларни, масалан микроскоп, кимёвий реактивлардан фойдаланиш шарт эмас.

Таҳлил кишилик жамиятининг ривожланиши ва инсоннинг онги такомиллашиб бориши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти ривожлана борган сари, ишлаб чиқариш қўчлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши иқтисодий таҳлилнинг мустақил фан соҳаси бўлиб ажралиб чиқишига олиб келди. Ҳозирги кунда умумназарий иқтисодий таҳлил ва конкрет иқтисодий таҳлилни бир биридан ажратиш мумкин. Умумназарий иқтисодий таҳлил макро даражада иқтисодий воқеа ходисаларни урганса, конкрет иқтисодий таҳлил микро даражада яъни корхоналар ҳўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ишлатилади. Шуни айтиш керакки, умумназарий иқтисодий таҳлил илмий ёнадашиш сифатида ўтган аср иқтисодчиларининг асарларида сезиларли даражада ривожланган бўлса, конкрет иқтисодий таҳлил алоҳида фан сифатида яқиндагина ажралиб чиққан.

Ҳўжалик фаолияти таҳлили(ХФТ)нинг пайдо бўлиши объектив шарт шароитлар билан белгиланган:

-биринчидан, бу амалий эҳтиёжнинг қондирилиши. Амалий эҳтиёж пайдо бўлиши ишлаб чиқариш қўчлари ва муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш масштабининг кенгайиши билан боғлиқдир. Бундай шароитда интуитив таҳлил, тахминий ҳисоб-қитоблар, хотирада қамалашлар қорхона фаолиятини бошқаришда етарли бўлмай қолади.

-иккинчидан, бу иқтисодий фаннинг ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, у ёки бу фан такомиллаша борган сари унинг алоҳида бўлимлари мустақил фан сифатида ажралиб чиқа бошлайди. Иқтисодий таҳлил дастлаб бухгалтерия ҳисоби, молия, статистика, билимлари таркибида урганилади. Шу фанлар таркибида дастлабки энг содда таҳлилий изланишлар пайдо бўла бошлайди. Ёйриқ ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши таҳлилнинг янада қўқўрлашувига олиб келди. Энди таҳлил қорхоналарни бошқаришнинг

муҳим бир функцияси сифатида юзага чиқди.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил нима деган саволга бир неча хил жавоб бериш мумкин экан. Биринчидан, иқтисодий таҳлил бу диалектик урганиш усули. Иккинчидан, иқтисодий таҳлил корхоналар ҳужалик молиявий фаолиятини бошқаришнинг режалаштириш, ишни ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва назорат функциялари билан бир қаторда турувчи функциясидир. Айнан мана шу таърифнинг моҳиятини ёритишга алоҳида тўхталишимиз керак. Маълумки, корхоналар уз фаолиятини режалар асосида ташкил қилади. Ҳужалик фаолиятини ундаги жараёнларни кузатиб бориш, уларни назорат қилиш ҳамда тегишли фойдаланувчиларга ахборот тайёрлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби юритилади. Ана шу йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш эса корхона фаолиятидаги ижобий ва салбий томонларини, ютуқ ва камчиликларни ва энг асосийси, имкониятларни аниқлашга ва шу асосда келгуси давр учун фаолиятни режалаштиришга хизмат қилади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил ҳақиқатан, бошқарув функцияси экан. Унинг аҳамияти эса, таҳлил маълумотларининг режалаштириш ва имкониятларни ишга солиш соҳасида оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун хизмат қилиши билан белгиланади. Фан сифатида эса иқтисодий таҳлил макро ва микро даражада иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни урганишнинг узига хос услубияти билан таништиришга хизмат қилади.

Таҳлилнинг мақсадини, унинг моҳиятини ёритиш учун унинг бажарадиган вазифалари ва турлари бўйлан танишиб чиқиш жоиздир.

таҳлил фан сифатида иқтисодий қонунлар ҳаракати, йуналишлари ва конкрет корхоналарда иқтисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятини урганиш вазифасини бажаради. Масалан, меҳнат унумдорлигининг меҳнатга ҳақ тулашга нисбатан тезроқ усулини қонуни нафакат корхоналарда, балки унинг бўлинмаларида ҳам ҳаракат қилади.

таҳлилнинг бир қуриниши бўлмиш ҳужалик фаолияти таҳлилининг энг асосий вазифаларидан бири - бу корхона режаларининг илмий асосланганлигини таъминлаб беришдир, чунки корхонанинг утган фаолиятини чуқур урганмасдан, унинг камчиликлари ва ҳатоларини аниқламасдан келгуси давр учун илмий ва амалий асосланган режаларни тузиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ҳужалик фаолиятининг яна бир вазифаси ёки функцияси - бу корхона режалари ва бошқарув қарорларининг бажарилиши устидан ҳамда ресурслардан унумли фойдаланиш устидан назорат урнатиш. Баъзи бир иқтисодчилар бу функцияларни бухгалтерия ҳисоби ва бевосита назорат функцияси деб тан олишади. Бу албатта, жуда тугри фикр эмас. Бухгалтерия ҳисоби ҳужалик фаолиятини уни кузатиш, қайд қилиш ва ҳужжатлаштириш ёрдамида назорат қилса ҳам, у корхонанинг умумий иқтисодий ва молиявий натижаларини шарҳлашда ва назорат қилишда етарли эмас. Бу вазифа билан бевосита таҳлил шугулланади ва шунинг учун ҳам унинг тезқорлиги ва таъсирчанлигини ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Таҳлилининг энг марказий масаласи эса - бу корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларини излаб топиш. Бунда эса илгор тажриба ва илм-фан ва техника ҳамда амалиётнинг эришган ютуқларига таяниб иш қуриш керак.

Таҳлилнинг кейинги функцияси бу-корхоналар фаолиятини улар-нинг режалари ҳамда ресурсларидан самарали фойдаланиш нуктаи назаридан баҳолаш. Таҳлилнинг бу вазифаси катта аҳамиятга эга. Корхоналар ҳужалик-молиявий фаолиятини тугри баҳолаш уларнинг келажагини тугри белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ва, ниҳоят, таҳлилнинг яна бир муҳим вазифаси ёки функцияси - бу аниқланган имкониятларини ишга солиш ва улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил корхоналар ҳужалик-молиявий фаолиятини ва унинг натижаларини баҳолаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва корхона молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятларини қидириб топиш, улардан фойдаланиш чора

тадбирларини ишлаб чиқиш ва шу асосда корхоналар режаларининг асосланганлиги таъминлашни ургатиш билан боғлиқ бўлган махсус билимлар тизимидир.

Таҳлилнинг моҳияти ва вазифаларини туғри талқин қилишда унинг туркумланиши низоҳатда катта аҳамиятга эгадир. Иқтисодий адабиётда иқтисодий таҳлилнинг турли белгилари бўйича турлича туркумланиши берилган. Шулардан энг муҳимларини қуриб чиқамиз.

Таҳлилнинг утқазилиш даврига қараб у дастлабки ёки перспектив - истикбол ва кейинги, яъни ретроспектив ёки тарихий таҳлил турларига бўлинади.

Дастлабки таҳлил хужалик жараёнлари бошлангунга қадар амалга оширилади ва у бошқарув қарорларини ҳамда режа топшириқларини асослаш учун ишлатилади.

Кейинги ёки ретроспектив таҳлил эса хужалик фаолияти натижалари бўйича амалга оширилади ва у корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши устидан назорат урнатиш, унинг натижаларини баҳолаш, жумладан ютуқ ва камчиликларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Ретроспектив таҳлил уз навбатида тезкор ва яқуний таҳлилга бўлинади. Тезкор таҳлил одатда хужалик муомалалари амалга оширилиши биланок амалга оширилади, чунки унинг мақсади камчиликларни тезкор равишда аниқлаб, хужалик жараёнига тезкорлик билан таъсир қурсатиш ва уни ижобий томонга ўзгартиришдир.

Яқуний таҳлил эса ҳисобот даври яқунлари бўйича утқазилади ва бунда корхона фаолиятини комплекс равишда баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу иккала таҳлил тури бир-бири билан ўзаро боғлиқдир, чунки улардан биргаликда фойдаланилгандагина корхона фаолиятини тулиқ баҳолаш, унинг камчиликларини аниқлаш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин.

Хужалик фаолияти таҳлили бошқариш объектларига қараб эса қуйидагиларга бўлинади:

Техник-иқтисодий таҳлил - унинг мазмуни шу билан ёритиладики, бунда техник ва иқтисодий ходисаларнинг ўзаро боғлиқлиги урганилиб, техник ўзгаришларнинг иқтисодий натижаларга таъсири аниқланади.

Молиявий-иқтисодий таҳлил - бунда асосий диққат эътибор молиявий натижаларга, корхона молиявий ҳолатига қаратилади, жумладан фойда ва рентабелликни ошириш йўллари кидириш, корхона тулов қобилиятини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Аудиторлик ёки бухгалтерия таҳлили — бу корхона молиявий барқарорлигининг эксперт диагностикасидир ва у аудитор томонидан корхоналар молиявий барқарорлиги баҳолаш ва унинг истикболини белгилашда ишлатилади.

Социал-иқтисодий таҳлил — бунда социал ходисаларнинг иқтисодий воқеа-ҳодисаларга таъсири урганилади.

Маркетинг таҳлили — бу таҳлил тури корхона ташқарисидаги воқеликни урганишда, жумладан бозор талаб ва таклифни урганиш ва унинг корхона дастурини белгилашга таъсирини аниқлашда ишлатилади.

Услугиятига қараб таҳлил қуйидагиларга бўлинади:

Такқослама таҳлил ҳисобот даври ҳақиқий маълумотларининг режа ёки ўтган давр ҳақиқий маълумотлари билан солиштириш учун ишлатилади.

Омилли таҳлил — натижавий қўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсирини аниқлаш учун қўл келади.

Диагностик ёки экспресс таҳлил — бу у ёки бу ходисаларнинг қўй бериши ва ўзгариши сабабларини тезкорлик билан аниқлашда фойдаланиладиган таҳлил туридир.

Маржинал таҳлил — бу маҳсулот сотиш, унинг таннархи, фойдасини харажатларни ўзгарувчи ва ўзгармасларга бўлиб таҳлил қилиш усулидир.

Иқтисодий-математик таҳлил ёрдамида иқтисодий масалаларни ҳал қилишнинг энг оптимал варианты танланади.

Статистик ёки корреляцион таҳлил урганилаётган воқеа ва ходисаларнинг

статистик боғлиқлигини аниқлаб беради.

Функционал қиймат тахлили эса резервларни аниқлаш усулидир.

Тахлил субъектларига кура қуйдагиларга бўлинади:

Ички тахлил-корхонани ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа соҳаларини бошқаришда утқазилади.

Ташқи тахлил банклар, инвесторлар, хиссадорлар ва бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Объектларни камраб олишига қараб тулик ва танланма тахлил турлари мавжуд.

Тахлил дастурининг мазмунига мувофиқ эса яхлит ва алохида мавзулар бўйича тахлил турлари мавжуддир.

1.2. Корхоналарда тахлилий ишларни режалаштириш ва маълумотларни қайта ишлаш тартиби

Иқтисодий тахлилнинг ёки хужалик фаолияти тахлилининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлашнинг муҳим шarti—бу тахлилий ишларнинг режалаштирилиши. Хужалик фаолияти алохида масалаларини тахлилий урганилганда унинг аниқ мақсади ва корхонани бошқариш тизимида уз урни бўлиши керак, фақат шундагина тахлил хужалик юритиш учун маълум бир даражада сезиларли аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун корхоналарда тахлил утқазиш бўйича ишлар режалаштирилиши керак.

Амалиётда тахлилий ишларни режалаштиришнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Корхона тахлилий ишларнинг яхлит режаси .
2. Мавзулар бўйича режалар .

Яхлит режа одатда ҳисобот йили учун тузилади. Бу режани корхона раҳбари топшириги билан мутахассис ишлаб чиқади. Режада тахлилнинг мақсади, вазифалари ва йил давомида қуриб чиқилиши керак бўлган масалалар, уларни утқазиш муддати, тахлил субъектлари, тахлилий ҳужжатларнинг айланиши ва уларнинг мазмуни ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Яхлит тахлилни тузишда ахборот манбалари ҳамда қулланилиши мумкин бўлган техник воситалар ҳам инобатга олинади.

Алохида ва чуқур урганишни талаб қилувчи масалалар юзасидан алохида мавзулар бўйича режалар тузилади. Бу режаларда тахлилнинг объекти, субъекти, босқичлари, тахлилни утқазиш муддатлари ва бошқалар қурсатилади.

Иқтисодий тахлилнинг корхоналарни бошқаришда таъсирчанлигини таъминлаш кўпроқ ишлатилаётган ахборотнинг таркиби, мазмуни ва сифатига боғлиқ бўлади. Иқтисодий тахлил учун қуйидаги маълумотлар ишлатилади:

- режа маълумотлари;
- ҳисоб маълумотлари;
- ҳисобдан ташқари маълумотлар.

Режа маълумотларига корхонада ишлаб чиқилган барча режалар, жумладан истикбол, жорий, тезкор режалар ҳамда технологик карталар киритилади. Бундан ташқари меъёрий ҳужжатлар, сметалар лойиҳа топшириқлари ва бошқалар ҳам режа маълумотлари сифатида ишлатилиши мумкин.

Ҳисоб характеридаги маълумотлар манбалари - бу барча бухгалтерия, статистика ва тезкор ҳисоб ҳужжатлари ҳамда барча ҳисоботлар ва дастлабки ҳужжатлардир.

Хужалик фаолияти тахлили учун етакчи ролни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи уйнайди, чунки у хужалик жараёнлари, уларнинг натижаларини энг тулик акс эттирувчи манбадир.

Ҳисобдан ташқари маълумотларга корхона фаолиятини бошқарувчи ва тартибга солиб турувчи ҳужжатлар қиради. Улар жумласига расмий ҳужжатлар, яъни қонунлар, қарорлар; ҳужалик-хуқуқий ҳужжатлари, яъни шартномалар, рекламациялар ва ҳ.к.;

техник ва технологик хужжатлар ва бошкалар киради.

Хужалик фаолияти тахлилининг энг масъул боскичларидан бири ахборотларни тахлил учун тайёрлашдир. Бунинг учун ана шу маълумотларнинг маълум бир талабларга жавоб беришини таъминлаш лозим:

Маълумотлар сифатли булиши керак, яъни улар тугри хисобланган, тулик ва тугри тузилган булиши керак.

Тахлил маълумотлари уларнинг мохиятига кура талабга жавоб бериши керак. Бу эса уларнинг тахлил максадига мос келиши ва реал воқеликка тугри келишини англатади.

Маълумотларни таккослаш имконияти булиши керак.

Юкоридаги талабларни кондириш учун тахлил килувчи шахс уларни бир катор текшириб чиқади. Бу текшириш техник характерда булиб, бунда иктисодий курсаткичлар турли хил хисобот шакллари буйича бир-бирига солиштириб курилади. Режа маълумотлари эса режа хужжатларида келтирилган маълумотларга мослиги жихатидан кайта курилади. Курсаткичларни бир-бири билан таккослаш имконияти булиши учун уларни турли хил хисоб-китоблар ва жадваллар ёрдамида бир-бирига мослаштирилади. Тахлил учун ишлатиладиган маълумотларнинг улчов бирликлари тахлил учун кулай холатга келтирилади, масалан, агар ракамлар катта булса, курсаткичлар минг сумларда ифода этилиши мумкин.

Маълумотларни тахлилий кайта ишлаш эса - бу бевосита тахлилнинг узидир. Тахлилни утказиш учун эса, уни утказиш режаси, ишончли ва тулик ахборотнинг булиши етарли эмас. Маълумотларни кайта ишлашни ташкил килиш учун узига хос булган услубиятдан бохабар мутахассис булиши талаб килинади. Бу мутахассис хужалик фаолияти тахлили услубиятини доимий равишда такомиллаштириб бориши давр талабидир.

Бозор иктисодиёти шароитида Республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона, фирма ва ташкилотлар бозорни ўрганган ҳолда "Қандай ишлаб чиқариш лозим, кимга ишлаб чиқариш керак ва қанча ишлаб чиқариш зарур" тамайили остида ҳаракат килиши лозим. Бунинг учун улар бозорни чуқур ўрганишлари, маркетинг соҳасида юқори малакали мутахассисларга эга бўлишлари зарур. Бозор тўёрисида қанчалик кўп маълумотга эга бўлиши, уларни тўёри тахлил қилиш корхоналарни келажақда ижобий натижалар билан фаолият юритишини таъминлайди.

Бозор шароитида истеъмол табиий ҳолда амалга ошмай, айрибошлаш ва унинг пул-товар муомаласи туфайли рўёбга чиқади. Бунинг учун олди-сотди, харидор-сотувчи поёналаридан ўтиб, бир катор шаклларни бошдан кечирмоёи зарур: эҳтиёж-талаб-истеъмол. Демак, бозорни талаб ва таклиф қонуниятлари асосида тартибга солар эканмиз уларни алоҳида кўриб чиқсак.

Талаб деб, - бу энг аввало бирон-бир неъматлар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжларни бозорда намоён бўлиши ва уни пул билан таъминлашидир.

Таклиф эса, - бу муайян пайтда бозорда бўлган ёки унга етказиб берилиши мумкин бўлган товарлар массаси сифатида белгиланади.

"Экономикс" муаллифлари К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюларнинг такидлашича истеъмол танлови бозор иктисодига асосланган эркин иктисодий тараққиётнинг кенг қулоч ёзганидир. Чунки истеъмолчилар ўз пул даромадлари миқёсида товарлар ва товарлашган хизматларни истаган тарзда сотиб олишлари ва шулар билан ўз истеъмолларини ихтиёрий қондириш имконига эга бўлишлари мумкин. Иктисодиёт нима ишлаб чиқариш кераклигини истеъмолчи белгилайди. Бундай хусусият бозорда талабга ҳал килувчи қуч беради.

Талаб, аввало, ресурсларга ва истеъмол товарлари, товарлашган хизматларга бўлган талаб сифатида юзага келадики, биринчиси ишлаб чиқариш истеъмолини, иккинчиси эса шахсий истеъмолни, қондиришга қаратилгандир.

Шундай экан ҳар бир корхона бозордаги талаб ва таклифни ўрганган ҳолда унга тўёри баҳо беришлари керак. Бунинг учун бозорларда текширув ишларини ёки бўлмасам

айрим танланган маҳсулотлар орасида анкета жавобларини тарқатиш орқали истеъмолчи талабини ўрганиш лозимдир.

Бозорни ўрганишда иқтисодий таҳлил фани қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Қандай маҳсулот ишлаб чиқариш лозимлигини белгилайди;
- Қанча миқдорда ишлаб чиқариш кераклигини кўрсатади;
- Корхонанинг келажақда яратиш керак бўлган маҳсулоти тўғрисида маълумот беради;

- Якуний молиявий натижаларни ошириш имкониятларини кўрсатади ва ҳақозолар.

Хукуматимиз томонидан қабул қилинган ва амалда қўлланилаётган қонунларимиз Республикамизда фаолият кўрсатаётган турли мулк шаклидаги корхоналарни тўлиқ эркин ҳолда иш юритишни таъминламоқда. Бу эса уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш йўналишларини ўзлари белгилаб олишларини таъминлади. Демак эркин бозор иқтисодиётида корхоналарнинг катта даромад олишлари ўз қўлида бўлиб қолди. Энди улар харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариши ҳамда ўз вақтида пул тушумларини келишини таъминлашлари лозим.

Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-тақсимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва протекционистик чоралар ҳисобидан яшаш мумкин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган.

Бундай чоралар, аввало, корхоналар манфаатига зарар етказиб, уларнинг даромадини камайтириш билан бирга, давлат бюджетига сезиларли равишда зиён етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Энг муҳими, ҳар қандай имтиёз ва преференциянинг умри узоқ эмаслигини эсимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очик иқтисодиёт шароитида хорижий компаниялар билан нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди².

Ушбу ижобий тарафларни эътиборга олиб корхоналарнинг бозордаги талаб ва таклифни ўрганиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Маркетинг концепциясига кўра ҳар бир фаолият юритувчи корхона муваффақиятга эришиш учун энг аввало истеъмолчиларнинг тилакларини назарда тутиши керак. Бу эса уларга мос тушадиган товарлар ишлаб чиқаришни тақозо этиб, қуйидаги қоидаларга риоя қилишни тақозо этади:

1. харидорларни тушуниш ва уларни қизиқтирган доирани аниқлаш;
2. Товар ва хизматларнинг мулкчилигини таъминлаш;
3. Товарлар ҳақида керакли маълумотларни етказиб бериш.

Юқорида келтирилган қоидалар маркетингнинг тўрт акциомасига асосланади:

- "Қизиқтириш мувофақият гарови"
- "Рақобат танлашни раёбатлантиради"
- "Танлов қийинчилик туёдиради"
- "Танловдаги рақобат товарни такомиллаштиради"

Талабни ўрганиш, уларни ижтимоий-иқтисодий ва демографик тавсифларига кўра турларга ажратиш усуллари ишлаб чиққан. Шу билан бирга уларни психологик тарафларини эътиборга олиб таҳлил қилиш кенг ривожланмоқда.

² 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2014 й. 29 январ.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқарилишидан олдин унинг истеъмол хусусиятлари таҳлил қилинади, ҳамда рақибларнинг маҳсулотлари нимага сотилаётганлиги сабаблари ўрганилади.

Ўрганиш амалиёти шу нарсани кўрсатдики, истеъмол хусусияти, яъни товарнинг ўз вазифасини бажариши унинг ҳаётидаги ўрнини бекиёс қилиб белгилайди.

Товарнинг хусусиятлари ҳам инсон эҳтиёжларига кўра уч турга ажратилади:

- 1.Товарларнинг моддий эҳтиёжларини қондира олиш хусусиятлари;
- 2.Уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондира билишлиги;
- 3.Товарларнинг ижтимоий эҳтиёжларни тўлдирувчи эргономик хусусиятлари.

Биринчи хусусият товарларнинг инсон ҳаётида муайян вазифани бажариб, унинг моддий эҳтиёжини қондириш тушунилади.

Товарларнинг эстетик хусусияти эса шакли, тузилиши, пардози ва хиди каби томонларини ҳисобга олса, эргономика қисмида инсоннинг унумли ишлаши учун қулайлик яратиш имкониятлари ўрганилади.

Якка тартибдаги эҳтиёжлар қуйидаги тартибда аниқланади:

- Оиладаги роли, мажбурият доирасига кўра;
- Бошқа одамлар билан муносабатига қараб;
- Гуруҳнинг шахсга ва шахснинг гуруҳга талаби билан;
- Катта жамоатчиликка қўшилиши билан ва ҳақозолар.

Хозирда талаб ва таклифни ўрганган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарининг гуллаб- яшнаши учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидан шу нарса кўринадики, бозорбоп маҳсулот етиштириш учун ўртача 60 га яқин янги ёяни ўрганиб чиқиш лозим ва у қуйидаги чизма кўринишида бўлади.

1.2.1-чизма.



Бозордаги янги товар тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда иккита талабни ҳисобга олиш лозим:

Янги эҳтиёжларни олдиндан айтиб бериш ва имкониятига қараб шакллантириш;

Ёояни кўтариб чиқиш ва товарларнинг илк нусхаларини сотиш ўртасидаги муҳлатни иложи борица қисқартириш.

Биз учун энг асосийси истиқболли ёояни танлаш муҳим ҳисобланиб, бу ерда экспертлардан тузилган гуруҳлари томонидан мияга хужум усули орқали маълум товар учун талаб ўрганилади. Ушбу ўрганиш эса маълум товарлар партияси учун талабнинг даражасини ифодалаб беради.

Бозордаги таклиф даражаси эса товарнинг "бозор тести" орқали ҳар бир бозорда маҳсулотни оз- оздан сотиб кўкорхоналаиш орқали аниқланади.

Таҳлил ишлари албатда ахборот манбаига таяниши лозим. Чунки улар корхоналарнинг бозорда:

аниқ устиворликка эришишга;

молиявий хавсизликни таъминлашга;

ташқи муҳитни назорат қилишга;

стратегияни бошқаришда;

самарадорлигини яхшилашга ва ҳақозоларни амалга оширишга сабаб бўлади.

Ҳар бир ишни амалга оширилиши унинг маълум бир ахборот манбааларига таянишни тақозо этади. Худди шу фикрдан келиб чиққан ҳолда бу мавзунинг таҳлилида ҳам манбааларга таянамиз. Маълумотлар аввало иккиламчи йиёиш ва баҳолашдан бошланади. Улар ички ва ташқи ахборотларга бўлинади.

Ички маълумотлар қуйидаги таркибдан ташкил топади:

Корхона режалари ва уларнинг бажарилиши;

Сотиш тўёрисида маълумотлар;

Фойда ва зарарлар;

Харидорлар билан ҳисоб-китоблар;

Товар захиралари;

Истеъмолчиларнинг аризаси;

Натижаларни солиштириш учун меёрлар ва бошқалар.

Ташқи маълумотлар эса,

Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборотлари;

Статистик маълумотлар ва бошқаларга асосланган ҳолда узатилади.

Ички маълумотлар асосида қуйидагича таҳлил ишларини амалга оширишимиз мумкин. 1.2.1- жадвал. Бу жадвал натура ўлчов бирлигига асосланиб олиб борилган бўлиб, унинг таҳлилини бошқа ўлчов birlikларда юритишимиз ҳам мумкин.

1.2.1-Жадвал.

Маҳсулот сотиш режасини бажарилишини таҳлили

Маҳсулот турлари	Ўлчов бир- лиги	Режа бўйича	Хақиқат да	Фарқи (+;-)	Бажарилиши, (%)
А	1	2	3	4	5
А	дона	500	560	+60	112
Б	кг.	20	14	-6	70
В	кг.	110	86	-24	78.2
Г	дона	89	112	+23	125.8
Д	т.	32	33	+1	103.1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биз таҳлил қилаётган корхона 5 хил "А";"Б";"В";"Г";"Д" турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарар экан. Бу маҳсулотлар ичида "А" ва "Г" маҳсулотлар харидоргир бўлиб, уларнинг режага нисбатан "А" 12 фоизга "Г" эса 23

донага кўп сотилган. Бу эса бозорда ушбу маҳсулот турларига талабнинг кўплигидан далолат беради.

Маҳсулот таркибидан "Б" ва "В" маҳсулотларига талаб кам бўлган. Натижада бу маҳсулотлардан жами 30 килограм (-6+(-24)) маҳсулот сотилмай қолиб кетган. Бунга маҳсулот сифати, баҳоси ёки ўринбосар товарларнинг бозорда вужудга келиши таъсир этган.

Корхонанинг эндиги асосий вазифаси сифатнинг бузилишида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ёки бўлмасам бошқа ҳаридоргир маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир. Корхона учун яна бир оптимал вариант бўлиб, "Б" ва "В" маҳсулотларни камайтириб, унга сарфланадиган маблаёларни бир қисмини "А" ҳамда "Г" товарларини ишлаб чиқаришга йўналтириши керак.

1.3. Иқтисодий субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган режаларни бажарилиши корхоналарни сифат кўрсаткичлари бўлмиш таннархи, меҳнат унумдорлиги, оборот маблаёларини айланиш тезлиги ва ҳақозолар кўрсаткичларига таъсир этади.

Хисоботда ишлаб чиқариш кўрсаткичи натура ва қиймат шаклларида акс этади. Жами корхона бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат қиймат шаклида ҳисобланади. Хар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгиланган номенклатура, ассортиментда сифатли бажарилиши лозим. Бугунки кунда маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми корхона томонидан мустақил режалаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Корхона тўғрисида"ги қонунни 20-моддасига қуйидагилар қайд этилган:

"Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ҳом-ашё ресурсларига, материалларни мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларини ҳисобга олиб тараққиёт истиқболларини белгилайди". Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулот сотади ва хизмат кўрсатади:

Маҳсулот мўл-кўллигини, аҳолини хилма-хил товарлар билан таъминлашда хорижий сармояларнинг тутган роли катта. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини кузатар эканмиз, ривожланиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар чет эл сармояси киритилган мамлакатлар иқтисодиёти тез сураатлар билан ривожланиб, салмоқли ютуқларга эришаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқаро молиявий ташкилотлар маълумотларига кўра бир йилда қарийб 400 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармоя бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, бир минтақадан бошқа минтақага олиб кирилади. Президентимиз Ислам Каримов Олий мажлисининг XIV Сессиясидаги маърузасида XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги асосий устивор йўналишлар ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деган эди: "Бешинчи устувор йўналиш-бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир. Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал ҳом ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашга ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоёи лозим».

Ўзбекистондаги инвестиция сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати-хорижий сармоядорларга берилаётган имтиёзлардир. Хорижий сармоядорларда қизиқиш уйғотаётган иккита имтиёзни мисол сифатида айтишимиз мумкин. Биринчиси, агарда улар қўшма корхона тузиб, уни Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурига киритсалар, 7 йил давомида фойдадан олинадиган солиқдан озод этиладилар. Иккинчиси, агар мавжуд қонунлар ўзгариб борадиган бўлса ва бу ўзгаришлар у ёки бу компанияга иқтисодий ёки бошқа жиҳатдан зарар етказадиган бўлса, ўша хорижлик сармоядор

Ўзбекистонга кириб келган пайтдаги қонунчиликдан яна 10 йил давомида фойдаланиши ва барқарор вазиятда ишлаши мумкин. Мана шундай ҳуқуқий кафолатлар, солиқлардаги имтиёзлар туфайли кейинги йилларда мамлакатимизга кўплаб хорижий сармоялар киритилмоқда.

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблаёлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиёи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиёини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўёридан-тўёри хорижий инвестициялардир³.

Ялпи маҳсулот маълум вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатган хизматларни ўз ичига олади. Унинг таркибига тайёр маҳсулот, четга чиқарилган ва ўз капитали ремонт учун сарфланган ярим фабрикатлар, четга чиқарилган электр энергия, кўрсатилган хизмат, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда буюртмачининг хом ашёсидан тайёрланган маҳсулот қиймати киради.

Товар маҳсулоти четга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот. У таркиби жиҳатдан ялпи маҳсулот билан бир хил кўринишга эга. Аммо унинг таркибига тугалланмаган ишлаб чиқариш ва буюртмачининг хом ашёсидан тайёрланган маҳсулот қиймати кирмайди.

Товар маҳсулоти таннархни аниқлашда, меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда, ҳамда сотиш ҳажмига таъсир этувчи асосий омил сифатида ўрганилади.

Реализация ишлаб чиқариш жараёнини сўнги босқичидир. Реализация товар пул жараёнларини тезлаштиришга пул муомиласини тезлаштиришга таъсир этади. Таҳлил этишда аввало корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва сотиш бўйича режаларни тўёри белгиланганлигини текширилади.

1.3.1-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг белгиланишини таҳлили

Кўрсаткич	Шартли белги	Режадаги улгуржи баҳода	Ишлаб чиқариш таннархида
Тайёр маҳсулот йил бошига қолдиёи	Й.Б.	25352	18632
Товар маҳсулот	Т	281126	192637
Жами 1+2	-	306478	211269
Сотилган маҳсулот	Р	280380	192740
Тайёр маҳсулот йил охирида қолдиқ	Й.О.	26098	18529

³ 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2014 й. 29 январ.

1.3.2-Жадвал.

Сотиш ва ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режани тўғрилигини текшириш

Кўрсаткичлар	Шартли Белги	Режадаги улгуржи баҳода	Ишлаб чиқариш таннархида	Фойда
Тайёр маҳсулот йил бошидаги қолдиқ билан	Т+ЙБ	306478	211269	95209
Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи	ЙО	26098	18529	7569
Мумкин бўлган сотиш ҳажми ст1-ст 2	Р	280380	192740	87640
Режа бўйича сотиш ҳажми		260454	189213	71241
Фарқи ст 3-ст 4		19926	3527	16399

2.3.2-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики корхона маҳсулот сотиш режасини реал белгиламаган. Имконият даражасида сотиш режаси 19926 минг сўмга паст белгиланган. Бунинг натижасида олинadиган фойда 16399 минг сўмга камайган.

Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) ҳисобга олишда ва ҳисобот шаклларида 2 хил баҳода: солишпирма улгуржи баҳода ҳамда жорий йилнинг амалдаги баҳосида ифодаланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини таҳлил этишда унинг режасини бажарилиши натура ва қиймат шаклларида аниқланади. Динамикасини аниқлаш учун ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ҳақиқий маҳсулот ҳажми ўтган йиллардагиси билан таққосланиб кўрсаткичларни ўзгариши мутлоқ ва нисбий (фоиз)ларда аниқланиши лозим. Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) ни ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари бир хил солишпирма улгуржи баҳода аниқланади. Амалдаги улгуржи баҳода ифодаланган маҳсулот ҳажми (иш, хизмат)ни солишпирма баҳодагиси билан таққослаш орқали баҳонинг ўзгаришини маҳсулот ҳажмига таъсири аниқланади.

1.3.3-Жадвал.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Хисобот йили		Фарқи (+,-)			
		Режа	Ҳақиқат	Режадан		Ўтган йилдан	
				м.сўм	%	м.сўм	%
1	2	3	4	5	6	7	8
Маҳсулот ҳажми (иш, хизмат) улгуржи баҳода							
Солишпирма баҳо	209352	220388	254550	+34162	+15.5	+45198	+21.59
Амалдаги баҳода	229243	237940	272388	+34448	+14.4	+43145	+18.82

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини солишпирма баҳода ортиғи билан адо этган. Маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан ҳам ўсган. Режага нисбатан солишпирма баҳода маҳсулот 34162 минг сўмга ёки 15,5 фоизга ортган. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 45198 минг сўмни ёки 21,59 фоизни ташкил этган. Корхонадаги амалдаги баҳо солишпирма баҳога нисбатан юқори бўлган, ўтган йилга нисбатан ўсиш ҳажми 18,82 фоизни ташкил этган. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва унинг динамикаси натура (дона, тонна, м, ц) шаклларида ҳам таҳлил этилмоғи лозим. Бунинг учун асосий маҳсулотнинг бир неча турлари мисол тариқасида кўрилиши лозим. Таҳлил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ўртача йиллик ўсиш даражасини аниқлаш

лозим. Бизнинг мисолимизда маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши қуйидагича:

2009	2010	2011	2012	2013
105.7	103.2	100.7	110.4	115.5

Ўртача ўсиш даражаси қуйидагича аниқланади:

$$\sqrt[4]{103.2 \cdot 100.7 \cdot 110.4 \cdot 115.5} = \sqrt[4]{13251037} = 1,072 \text{ Ёки } 107,2 \%$$

Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймат шаклида режанинг бажарилиши маҳсулотлар таркибидаги структуравий ўзгаришлар туфайли ҳам юз беради. Маҳсулот таркибидаги структурани ўзгариши меҳнат унумдорлигига, фонд қайтимига, таннархга, фойда каби кўрсаткичларга таъсир этади. Структуравий ўзгаришларни меҳнат сиёими кўрсаткичлари орқали аниқлаш мумкин. Меҳнат сиёимини норма-соат, нормалашпирилган иш ҳақи кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Товарлар таркибидаги структуравий ўзгаришларни норма-соат иштирокида аниқлаш учун маҳсулот турлари бўйича норма-соат ўлчовида режанинг бажарилиши қиймат бўйича бажарилиши кўрсаткичлари билан таққосланади.

Маҳсулот турлари бўйича режанинг бажарилиши ҳар хил даражада бўлиши структурани ўзгаришидан далолат беради. Структура бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши учун ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барча хиллари режалашпирилган маҳсулот таркиби ва тузилишига тенг келиши керак. Ишлаб чиқарилган маҳсулот структурасининг ўзгариши корхонанинг барча иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этади. Маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида қимматбаҳо маҳсулот турлари улушини ортиши туфайли маҳсулот қиймат шаклида ортади ва бунинг аксича бўлса, қиймат шаклида маҳсулот камаяди. Худди шундай юқори рентабелликка эга бўлган маҳсулот турларини ортиши, рентабеллиги паст турларини пасайиши туфайли умумий фойда миқдори ортади.

II.боб. «Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамияти ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими ва уни самарадорлигини баҳолаш

2.1. «Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамиятининг ихтисодий тавсифи ва ривожланиш хусусиятлари

“Учқургон дон махсулотлари” акционерлик жамияти 1995 йил 20 мартдаги Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни куллаб қувватлаш кумитасининг № 84 ПО сонли буйруғига асосан очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган. Хозирги кундаги Низом жамгармаси 650 000 минг сўм ёки 1 300 000 донна номинал қиймати 500 сумдан булган акциялардан иборат.

Шундан :

Давлат улуши 78,2 фоиз 508102 минг сум ёки 1016204 донна акция

Бошқа акциядорлар улуши 21,8 фоиз 141898 минг сум ёки 283796 донна акция

Жамиятнинг умумий ер майдони 24,5 гектарни ташкил этади. Жамият таркибига қуйидаги асосий ва ёрдамчи цехлар қиради: Дон тозалаш ва сақлаш булими (Элеватор), тегирмон цехи, омукта ем цехи, тайёр махсулотлар омбори, иссик нон цехи, уруглик бугдой тайёрлаш цехи, ишлаб чиқариш лабораторияси, электро цех, таъмирлаш цехи, транспорт булими, темир йул булими, қурилиш ва таъмирлаш булими, буг қозонхона, биологик тозолов иншооти, ёрлик тайёрлаш булими, қуриқлаш булим, хужалик ишлари булими, ободолаштириш булими.

Дон тозалаш ва сақлаш булими (Элеватор) 1984 йил сентябрь ойида ишга тушган. Элеватор 3 та силкорпусдан иборат бўлиб, ҳар бир силкорпусда 36 тадан силос ва 25 тадан юлдузча бор. Умумий сизими 71400 тоннани ташкил этади. Элеватор ишчи минорасида 2 та соатига 375 тонна ва 3 соатига 175 тонна дон узатиш қувватига эга булган нориялар урнатилган. Шунингдек ишчи минорада донларни тозалаш учун 2 та А-1 БИС-100 сепараторлари билан жихозланган. Донларни фракцияга ажратишда А 1 –БСФ-50 жихозларидан фойдаланилади. Барча технологик жараёнларни бошқариш ишчи минеорасининг 2 қаватида жойлашган бошқарув пультадан амалга оширилади. Сақланаётган донларни ҳароритини назорат қилиб бориш учун МАРС-500 ҳарорат улчаш ускунаси билан жихозланган. Элеваторга қабул қилинадиган донлар темир йул вагонлари ва автотранспортлар орқали қабул қилишга мослаштирилган.

Тозаланган донлар ишлаб чиқаришга 10 тонналик тарозидан тортиб утқизилади. Дон қабул қилиш булимида донларни сифатини назорат қилиб туриши учун алоҳида таҳлилхонасига эга. Элеваторда иш 3 сменада ташкил этилган бўлиб, жами 44 нафар ишчи ва хизматчилар ишлайди. Улар учун ювиниш, дам олиш ва овқатланиш хоналари мавжуд.

Тегирмон цехи 1985 йил декабрь ойида ишга тушган. Тегирмон цехи Швейцариянинг «Бюллер» қорхонасининг лицензияси асосида Россия, Украина, Белоруссия ва Қозғистон машинасозлик заводларида ишлаб чиқарилган юқори унумли ускуна ва механизмлар билан жихозланган. Тегирмон цехи суткасига 500 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга.

Тегирмон цехида ун ажратиш олиш 75 фоиз белгиланган.

Шундан: Олий навли ун 3 фоиз

Макарон уни 0,4 фоиз

Манка ёрмаси 0,1 фоиз

1-навли ун 71,5 фоиз

Тегирмон цехи дон тозалаш, донни майдалаш ва тайёр махсулотларни қадоклаш булимларидан иборат.

Тегирмон цехида барча булимлардаги ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарув пулти орқали бошқариб турилади.

Дон тайёрлаш булимида элеватордан қабул қилиб олинган дон технологик схемаларга мувофиқ тош, темир ва бошқа ҳар-хил аралашмалардан тозалаш

жараёнларидан утиб А1-БШМ дон ювиш дастгоҳида ювилиб, маълум муддат саклаш учун хампаларга жойлаштирилади.

Донни майдалаш булимида тасдиқланган технологик схемалар асосида иш ташкил этилган булиб, бунда майдалаш жараёни учун 36 та А1-БЗН русумидаги русумидаги вальцевой станоклари урнатилган. Вальцевой станокларда майдаланган махсулотлар РЗ-БРБ элак(рассев)ларида эланиб ажратиб олинган унлар навларга ажратилиб кадоклаш булими сизимларига юборилади.

Ёрма махсулотлари бойитиш учун хаволи галвирлар ёрдамида ишлайдиган А1-БСО ситовойкаларига юборилиб бу ерда манка ёрмаси ва макарон уни ажратиб олинади.

Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган тайёр холга келган олий ва 1-навли унлар кадоклаш булимида ярим автомат «Карусель» ускунаси ёрдамида 50 килограммдан бир маротабали полипропилен копларга кадокланиб, навлар буйича тайёр махсулотлар омборига утказилади.

Тайёр махсулотларни кадоклаш жараёнида бириктириладиган ёрликлар жамиятни узини ёрлик тайёрлаш булимида тайёрланади.

Нон ишлаб чиқариш корхоналарига копсиз ун сотиш имконияти мавжуд, махсус ун ташувчи автотранспортлар билан.

Тегирмон цехи уз лабораториясига эга булиб, лаборатория ходимлари томонидан ишлаб чиқариладиган махсулотларни сифати доимий равишда назорат қилиб турилади.

Тегирмон цехида иш 3 сменада ташкил этилган булиб, цехда 90 нафар ишчи ва хизматчи ишлайди. Ишчилар учун барча шароитлар яратиб берилган, ювиниш, овқатланиш хоналари мавжуд.

Омухта ем цехи 1988 йил март ойида ишга тушган. Омухта ем цехи суткасига 250 тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватига эга. Куп кампонентли дозаторлар билан жихозланган, ишлаб чиқариш жараёни бошқарув пульти орқали бошқарилади. Омухта емларни гранула(донали) қилиб чиқарувчи ускуналар билан жихозланган. Омухта емлар республика омухта ем марказий лабораторияси томонидан сертификатланган ва компаниянинг ҳисоблаш маркази томонидан берилган рецептлар асосида йирик шохли корамоллар ва паррандалар учун ишлаб чиқарилади. Омухта ем цехи уз лабораториясига эга булиб лаборатория ходимлари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта емларни сифати рецепт асосида назорат қилиб борилади.

Омухта ем цехида 40 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилади.

Уруглик цехи соатига 10 тона сара уруглик дон тайёрлаш қувватига эга, 2008 йил август ойида ишга тушган. Уруглик дон тайёрлаш цехининг ускуналари Россия федерациясининг Воронеж шаҳридаги «Воронежсельмаш» корхонасидан сотиб олинган. Технологик жараён даладан олиб келинган уруё донни хар-хил ифлос аралашмалардан дастлабки тозоловчи МПО-50 машинаси орқали тозаланиб, тозаланган донни СВУ-60 сепараторига, чиқиндиларни эса, чиқинди учун урнатилган бункерларга утказилади, сунгра СВУ-60 сепараторида уруё донни дастлабки, биринчи ва иккинчи тозоловдан утказилади ва тозоловдан утган донни нориялар ёрдамида ПТ-600 триерига юборилади, чиқиндилари эса нориялар орқали чиқиндилар учун урнатилган бункерларга юборилади. Тозаланган донлар ПТ-600 триерлари ёрдамида бошқа дон аралашмалардан ва синик донлардан саралаб олинади ва сараланган дон нориялар орқали сара дон учун урнатилган бункерга юборилади. Сараланган уруё дон кимёвий ишлов бериш учун шнеклар орқали ПКС-20 камерасига юборилади ва кимёвий ишлов берилгандан сунг кадоклаш ускунасига утказилади, кадоклаш ускунаси ёрдамида кадокланган полипропилен копларга ёрликлар бириктирилиб коп тикиш машинаси билан тикилгандан сунг транспортёр ленталар орқали тайёр махсулотлар омборига утказилади. Уруглик тайёрлаш даври 2-3 ой давом этади. Иш 3 сменада ташкил этилган.

Уруглик цехи уз лабораториясига эга лаборатория ходимлари томонидан тайёрланадиган уруглик доннинг сифати доимий назорат қилиб борилади.

Иссик нон ишлаб чиқариш цехи 2009 йил декабрь ойида ишга тушган, суткасига 2

тонна колипли нон ишлаб-чикариш кувватига эга. Янги нон цехини дастгохлари Германиянинг ВАХТЕЛЬ корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган.

Технологик жараён ун элаш машинаси ёрдамида копдаги унларни бир кур элақдан утказилади ҳамда баъзи бир аралашмалардан тозаланади ва қушимча хом-ашёлар билан биргаликда ҳамир тайёрловчи компьютерлаштирилган усулда бошқариладиган «WA – S» русумли машинада ҳамир тайёрланади сунгра тайёрланган ҳамир «DIV» русумли ҳамир кесувчи ускунада 0,5-0,6 килограммдан килиб булинади, кейин булақланган ҳамирларга шакл берилиб колипларга солинади ҳамда тиндириш учун «Аэромат-1.20» русумли шкафда стеллажли аравачаларда урнатилган намлик ва хароратда охириги тиндириш вақтигача ушлаб турилади. Тиндирилган колипдаги нонлар стеллажли аравачалар билан биргаликда «СОМРАСТ 1.10» русумли нон пишириш печида белгиланган технологик курсаткичгача пиширилади ва колипли нон учун мулжалланган тайёр махсулотлар омборига утказилади.

Нон цехида иш 3 сменада ташкил этилган ва цехда 18 нафар ишчи ва хизматчи ишлайди. Уларни дам олишлари, овкатланишлари ва ювинишлари учун барча шароитлар яратиб берилган

Жамиятни барча ишлаб чиқариш цехларини тухтовсиз ишлашини таъминлаш учун таъмирлаш цехи фаолият курсатади. Таъмирлаш цехида ишлаб чиқариш цехларида зарур булган куплаб эҳтиёт қисмлар тайёрланади ва таъмирталаб жихозлар таъмирланади.

Ишлаб чиқариш цехларида ишдан чиқкан ва куйган электродвигателлар жамиятни электро цехида таъмирланади ва куйган двигателлар сим ураш йули билан қайтадан ярокли ҳолатга келтирилади. Электро цех мутахассислари томонидан барча цех ва булимлардаги электр жихозлари ва ускуналарини доимий назорат килиб борилади ва ишлаб чиқариш цехларини узлуксиз ишлашини таъминлаб берадилар.

Транспорт булими ёрдамида корхона учун керакли булган барча юклар ташиб келтирилади ва яроксиз чиқиндилар ташиб чиқарилади. Дон тайёрлаш мавсумида чет ташкилотлардан транспорт олмай, уз транспортларимиздан фойдаланиш имкониятига эгамиз.

Тайёр махсулотлар омборининг сигими 1350 тоннани ташкил этади. Тайёр махсулотлар омборида унлар навлари ва чиқарилган санаси буйича алохида-алохида поддонларга тахланади. Истеъмолчиларга тайёр махсулотларни юклаб жунатилаётганда лаборатория ходимлари томонидан сифат гувоҳномалари ёзиб берилади. Тайёр махсулотлар омборида ярим автомат механизмлар билан жихозланган булиб, унлар транспортёр ленталар ва электро қаралар ёрдамида транспорт воситаларига юклаб берилади. Булимда 44 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилади.

Жамиятни барча ишлаб чиқариш цехларида қабул қилинаётган хом-ашларни ва ишлаб чиқарилаётган тайёр махсулотларни тўла таҳлилдан утказиш учун зарур булган ускуна ва улчов воситалари билан жихозланган лаборатория мавжуд. Мавжуд ускуна ва улчов воситалари белгиланган муддатларда Давлат қиёслов қуригидан утказиб турилади. Лабораторияда 22 нафар ходим ишлайди, уларниг барчаси олий ва урта махсус маълумотга эга.

Дон қабул қилиш булимида жамиятни уруғлик дон тайёрлаш цехи жойлашган. Дон қабул қилиш булимида сигими 12000 тонна булган 4 та усти ёпик айвон ва сигими 3500 тонна булган 3 та омбор ва 10000 тонна сигимга эга. Фермер хужаликларидан автомобил ва прицеппи тракторларда келтирилган донлар 50 тонналик автомобиль тарозисида тортиб олинади. Қабул қилинган донларни сифатини таҳлил қилиш учун барча керакли жихозлар билан таъминланган лаборатория мавжуд. Дон қабул қилиш булимида 373 метр узунликда темир йул ва соатига 175 тонна дон юклаш қувватига эга нория бор.

Жамиятга қрашли Хақулобод дон қабул қилиш филиали бор, Ушбу филиал Норин туманида жойлашган булиб, Норин туманидаги фермер хужаликларидан ва Учқургон туманидан филиалга яқин булган фермер хужаликларидан дон қабул қилиб олади. Филиалда дон қабул қилиш мавсумида 60-70 нафар ишчи ва хизматчи ишлайди.

Автомобил тарозиси шунингдек 272 метр узунликдаги темир йули мавжуд. Донларни саклаш учун 18000 тонна дон саклаш сигимига эга булган 6 та омбор мавжуд.

Жамиятга қарашли темир йул тармогининг узунлиги 5106 метрни ташкил этади, шундан 4581 метри жамият ҳудудида жойлашган. Вагонда темир йул орқали келатган ва жунатилаётган юкларни тортиш учун 150 тонналик 1 та вагон тарозиси мавжуд. Жамиятга қарашли 2 та тепловоз ва битта вагон бор. Жамиятга тизим корхоналаридан келтирилатган донлар 100 фоиз темир йул орқали келади.

Жамиятни узини Буг қозонхонаси мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун пар ва ишлаб чиқариш цехларини, маъмурий бинони, спорт зални ҳамда жамият атрофида жойлашган қўп қаватли уйларни, И.Охунов номи мактаб интернати, 16 сонли болалар боғчасини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминланади.

Жамиятда суткасига 700 м³ оқова сувларни тўплаш ва тозалаш қувватига эга булган биологик тозалов иншооти ишлаб турибди.

Жамият узининг ичимлик суви таъминотига эга, бўлиб, унинг узунлиги 2,6 километрни ташкил этади. Ичимлик суви билан тегиримон цехига ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун, шунингдек барча цехларни қўндалик эҳтиёжи учун, бундан ташқари маъмурий бинони, спорт зални ҳамда жамият атрофида жойлашган қўп қаватли уйларни, И.Охунов номи мактаб интернати, 16 сонли болалар боғчасини ичимлик суви билан таъминлайди.

Жамият тоифаланган объектлар қаторига қиради. Шунинг учун жамият элеватори ички ишлар бўлимига қарашли қўриқлаш бўлими томонидан қўриқланади. Жамият ҳудудида товар моддий бойликларни қўриқлаш ва тартиб саклаш учун 7 та пост ташкил этилган. Бу постларда жамиятнинг қўриқлаш бўлими ходимлари назорат олиб боришади. Постлар алоқа воситалари билан таъминланган. Жамиятга қарашли чегара: баландлиги 3,5 метрли темир бетон девор билан 1700 метр узунликда уралган.

Ёнгин хавфсизлигини олдини олиш учун 1 Газ – 66 русумли ўт ўчириш машинаси, 13 та ёнгинга Қарши гидрантлар, 2 та 500 м³ сув сигимига эга ўсти ёпик ҳовузлар ва цехларда 55 та ёнгинга қарши яшиқлар ҳамда 55 та ўт ўчириш воситалари мавжуд.

Жамиятда иссиқхона мавжуд бўлиб унда лимон, апельсин каби қитрус мевалар ва жамият ҳудудини ободонлаштириш учун турли хил гул қўчатлари етиштирилади.

Жамият маъмурий биноси 3 қаватли бўлиб, 3-қаватда идора ходимлари ва мажлислар зали, 2-қаватда ҳисобчилар, ошхона ва ёрдамчи цех ва бўлимларнинг ювиниш хоналари жойлашган, 1-қаватда гимнастика зали, сауна ва соғломлаштириш маркази жойлашган.

Идорада юқори ташкилот билан ҳужжатлар айланиши «Гермес» программаси орқали ҳужжатларни электрон айланиши йўлга қўйилган. Ҳисобот бўлимида ҳисоб-китоб ишлари компьютерлар билан амалга оширилади ва барча компьютерлар ягона тармоққа уланган. Иш хақи ҳисоб китоби, хом-ашё ва материаллар ҳисоби, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар, бош китоб маҳсул дастурлар ҳамда БЭМ ва Берадор дастурлари орқали амалга оширилади.

Маъмурий бинонинг иккинчи қаватида 100 уринли барча шарт-шароитларга эга булган ишчилар ошхонасида ишчилар учун арзон нархларда турли хил миллий ва Европа таомларини тайёрлаб хизмат қўрсатиб келмоқда.

Маъмурий бинонинг 1 қаватида замонавий тиббиёт воситалари билан жиҳозланган соғломлаштириш маскани бўлиб, унда малакали ҳақим ва ҳамширалар ишлайди. Масканда 6 уринли қўндузги даволаш бўлими, физиотерапия бўлими, фитобар доимо ишчилар хизматида.

Жамият ишчиларини спорт билан мунтазам шугулланишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун спорт мажмуаси мавжуд. Спорт мажмуасида спорт зал, фитнес клуб, теннис, қўрт, футбол стадиони бор. Йил давомида цехлар уртасида волейбол, футбол, шахмат, шашка ва теннис бўйича мусобақалар ўтказиб борилади.

Жамиятни ташқи ҳудудида жамиятга қарашли маиший хизмат қўрсатиш шўхобчалари жамият ишчиларига ва шу атрофдаги маҳалла аҳолисига хизмат қўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг топшириқларига асосан жамият томонидан 2009 йилда кишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши Олтин куз, Бракон ва Трихограмма етказиб бериш учун биологическая таъсирчи ташкил этилди. Бундан ташқари Голландиядан 40 бош насли қорамол олиб келинди. Кейинчалик ҳар иккала соҳа бирлаштирилиб жамият таъсисчилигида «Биочорванаслимқоният» шўба қорхонаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда қорамоллар сони 100 бошга етказилди. Биологическая таъсирчи 17 нафар ва ёрдамчи хўжаликда 18 нафар ишчи ва хизматчилар ишламоқда.

2.1.1-жадвал

«Ўққўёон-дон маҳсулотлари» ОТАЖининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили¹

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2012 йил	Нисбатан ўсиш минг сумда	
					минг сумда	%
1	Киёсий нархда маҳсулот қиймати	минг сум	35894811	32161698	3733112,7	111,6
2	Амалдаги нархда маҳсулот қиймати	минг сум	42405428	32771589	9633839	129,4
3	Халқ истеъмоли моллари	минг сум	36584779	29312471	7272308	124,8
4	Меҳнат унумдорлиги	минг сум	55307,9	48002,5	7305,3	115,2
5	Маҳсулот сотишдан соф тушум	минг сум	43314997,0	34328909,0	8986088,0	126,2
6	Сотилган маҳсулот таннари	минг сум	38748870,0	30412803,0	8336067,0	127,4
7	Давр харажатлари	минг сум	3904886,0	3415739,0	489147,0	114,3
8	Баланс фойда	минг сум	120326,0	100593,0	19733,0	119,6
9	Соф фойда	минг сум	20423,0	19063,0	1360,0	107,1
10	Рентабеллик баланс фойда бўйича	минг сум	0.3	0.3	0.0	93.9
11	Рентабеллик соф фойда бўйича	минг сум	0.05	0.1	0.0	84.6
12	Бир ишчига ўртача иш ҳақи	минг сум	400.3	333.0	67.3	120.2

«Ўққўёондон маҳсулотлари ОТАЖининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлилини 2.1.1-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвалдан кўриниб турибдики, қорхонада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш қийсий нархларда 2013 йилда 35894811 минг сўми ташкил этган. 2012 йилда бу кўрсаткич 32161698 минг сўмга тўғри келган. 2013 йилда 2012 йилга нисбатан қийсий нархларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3733112,7 минг сўмга кўпайган бўлиб бу 2012 йилги кўрсаткичнинг 111,6 % ташкил этган. Маҳсулотлар нархининг кўтарилиши ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи амалдаги нархларда 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 127,4 % га ортган ва 8336067,0 минг сўми ташкил этган.

¹ Жадвал муаллиф томонидан қорхона маълумотлари асосида тузилган

2.2. «Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамиятининг молиявий барқарорлиги кўрсаткичларини баҳолаш

Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилиш иқтисодий таҳлилнинг муҳим, ўта масъулиятли ва мураккаб босқичи ҳисобланади. Кичик бизнес корхоналари молиявий ҳолати уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига, яъни маҳсулот сифати, турлари, таннархи, айниқса, сотиш ва фойда режасининг бажарилишига бевосита боғлиқ. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойда режасининг муваффақиятли бажарилиши корхоналар пул маблаёларининг кўпайишига, бажарилмаслиги эса уларнинг камайишига олиб келади. Фойда режасининг бажарилмаслиги корхонанинг бюджет ва банк олдидаги тўлов мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишида маълум қийинчиликлар туёдиради. Ўз навбатида, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти молиявий ҳолат барқарорлигига боғлиқ. Агар маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойда режаси бажарилмаса, у ҳолда молиявий танглик юзага келади. Бундай танглик юзага келишининг асосий сабабларидан бири сотиб олувчиларнинг тўлов қобилияти йўқлигидан ва муддати ўтиб кетган дебитор қарзлар мавжудлигидан деб ҳисоблаш мумкин.

Корхона фаолиятига баҳо беришда “молиявий натижа”, “молиявий ҳолат”, “молиявий барқарорлик” каби тушунчалар ўртасидаги тафовутни англаш лозим. Инвесторлар ёки молиявий ҳисобот натижалари билан қизиқувчи бошқа бирор субъект томонидан корхона фаолиятига баҳо беришда корхонага қўйиладиган асосий талаб кетма-кетлиги ҳам шу тартибда шаклланади. Яъни дастлаб молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқланади, унинг омиллари ва сабаблари ёритилади, сўнгра молиявий ҳолат таҳлили амалга оширилади. Яқунда эса қўшимча уриниш ва кузатув натижаларини умумлаштириш орқали молиявий барқарорлик имкониятлари ўрганилади. Иқтисодий таҳлил жараёни мазкур кетма-кетликда оддийдан мураккаб томон боради, таҳлил объекти ва даврийлиги ҳам кенгайиб боради.

Юқорида қайд этилган хусусиятларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, кичик бизнес корхоналари молиявий ҳолатини таҳлил қилиш масаласи иқтисодий таҳлилнинг корхона ҳолатига бир мунча умумийроқ баҳо бериш имконини берувчи корхона фаолиятининг молиявий натижалари таҳлилидан фарқланади.

Одатда, корхона фаолиятининг молиявий натижалари таҳлили қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) таҳлил қилинаётган жорий даврда ҳар бир кўрсаткич ўзгаришларини аниқлаш;
- 2) тегишли кўрсаткичлар таркиби, уларнинг ўзгаришини ўрганиш;
- 3) молиявий натижалар бўйича кўрсаткичлар ўзгариши динамикасини таҳлил этиш.

Корхона фаолияти молиявий натижалари кўрсаткичларининг даражаси ва динамикасини таҳлил этиш ҳамда баҳолаш учун корхона молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотларни келтирамыз. (2.2.1-жадвалга қаранг).

2.2.1-жадвал

«Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамиятининг молиявий натижалари кўрсаткичларининг даражаси ва динамикаси таҳлили⁴

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2012 йил	Нисбатан узиш минг сумда	
					минг сумда	%
1	Киёсий нархда махсулот киймати	минг сум	35894811	32161698	3733112,7	111,6
2	Амалдаги нархда махсулот киймати	минг сум	42405428	32771589	9633839	129,4

⁴ Маълумотлар «Учқўргон дон маҳсулотлари» акционерлик жамиятининг йиллик ҳисоботларидан олинди.

3	Халк истеъмоли моллари	минг сум	36584779	29312471	7272308	124,8
4	Меҳнат унумдорлиги	минг сум	55307,9	48002,5	7305,3	115,2
5	Маҳсулот сотишдан соф тушум	минг сум	43314997,0	34328909,0	8986088,0	126,2
6	Сотилган маҳсулот таннари	минг сум	38748870,0	30412803,0	8336067,0	127,4
7	Давр харажатлари	минг сум	3904886,0	3415739,0	489147,0	114,3
8	Баланс фойда	минг сум	120326,0	100593,0	19733,0	119,6
9	Соф фойда	минг сум	20423,0	19063,0	1360,0	107,1

2.2.1-жадвал маълумотларидан маълум бўлмоқдаки, 2013 йилда корхона ижобий натижаларга эришган. Корхонанинг соф фойдаси ҳисобот даврида ўтган йилгига нисбатан 107.1 фоизга ўсган. Корхона соф фойдасининг ўсишига маҳсулот сотишдан тушумнинг ортиши ҳамда ишлаб чиқариш харажатларининг нисбатан камайиши эвазига маҳсулот сотишдан олинган фойданинг ортиши ижобий таъсир этган.

Ушбу умумий ҳолатга таъсир этувчи ҳар қайси омиллар хусусиятини ҳамда уларнинг таъсир даражасини аниқлаш муҳимдир.

Шу муносабат билан маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган фойданинг омилли таҳлилини ўтказиш молиявий натижалар таҳлилини янада бойитади.

Корхонада маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган иқтисодий самара миқдорига қуйидаги омиллар таъсир қилади: сотиш ҳажмининг ўзгариши; маҳсулот таркибининг ўзгариши; сотилган маҳсулот баҳоларининг ўзгариши; хом ашё, материаллар, ёки ёи баҳоларининг ҳамда электр энергияси ва транспорт тарифларининг ўзгариши; моддий ва меҳнат ресурслари харажатлари даражасининг ўзгариши

Юқоридаги жадвал маълумотларидан фойдаланиб маҳсулот (иш, хизматлар)ни сотишдан олинган фойда даражасига таъсир этувчи омилларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз:

1. Маҳсулот сотиш баҳоларининг ўзгариши. Бу омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун амалдаги баҳоларда ҳисобот даврида маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажмидан ўтган йил баҳоларида ҳисобот даврида маҳсулот сотишдан тушумни айириш керак. Биз таҳлил этаётган корхонада ушбу омилнинг таъсирида 9633839 (42405428-32771589) сўмлик қўшимча фойда олинган бўлиб, бу асосан инфляция ҳисобига юз берган.

2. Хом ашё ва материалларнинг харид баҳолари, электр энергияси ва транспорт, меҳнатга ҳақ тўлаш тарифларининг ўзгариши. Мазкур ўзгаришларни аниқлаш учун маҳсулот таннари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади.

3. Хўжалик интизомининг бузилиши. Мазкур омил таъсири стандартларнинг, техник шароитларнинг бузилиши, меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларнинг бажарилмаслиги оқибатида келиб чиқувчи иқтисод қилиб қолingan маблаёлар таҳлили орқали аниқланади. Биз таҳлил этаётган корхонада ушбу сабаблар натижасида қўшимча фойда олинмаган.

4. Ўтган (базис) йил тўла таннарида ҳисобланган маҳсулот ҳажмининг ўсиши. Бу омил таъсирини ҳисоблаш учун дастлаб базис йилининг тўла таннарида ҳисобланган маҳсулот сотиш ҳажмининг ўсиши коэффиценти аниқланади, сўнгра базис йили фойдаси ушбу ўсиш коэффицентида қўпайтирилиб, ундан базис йили фойдаси айириб ташланади.

5. Маҳсулот таркибий ўзгаришлари ҳисобига маҳсулот ҳажмининг ўсиши. Ушбу омил таъсири ўтган (базис) йил баҳоларида маҳсулот сотиш ҳажмининг ўсиш коэффицентилари фарқини ўтган (базис) йил фойдасига қўпайтириш орқали ҳисобланади.

6. Бир сўмлик маҳсулотга қилинган харажатларнинг камайиши. Бу таъсир базис йили тўла таннарида сотилган маҳсулот ҳажми билан хом ашё, материаллар харид баҳолари ўзгариши, хўжалик интизомининг бузилиши билан боёлиқ сабабларни ҳисобга

олган ҳолда ҳисобланган ҳақиқатда сотилган маҳсулот тўла таннархи ўртасидаги фарк орқали ҳисоблаб топилади.

7. Маҳсулотнинг таркибий силжишлари ҳисобига таннархнинг ўзгариши. Мазкур омил таъсирини ҳисоблашда маҳсулот ҳажмининг ўсиши коэффициентига базис давридаги тўла таннархи кўпайтирилади, ундан ҳақиқатда сотилган маҳсулотнинг базис давридаги тўла таннархи чегирилади.

Молиявий ҳолатни таҳлил қилиш жараёнида айланма ва айланмадан ташқари маблаёларни ўрганишга катта эътибор берилади. Бунда, айниқса, айланма маблаёларнинг ташкил топиш манбалари алоҳида кўриб чиқилади.

Мавсумий хусусиятга эга бўлган айланма маблаёлар асосан банк кредити ҳисобига ёки ҳар хил кредиторлик қарзлари ҳисобига ташкил топади. Борди-ю, кичик бизнес корхонаси акционерлик мулки заминида амал қилса, айланма маблаёлар асосан акционерлар маблаёи ҳисобига, пайчилик жамияти бўлса, қўйилган пайлар ҳисобига ташкил қилиниши мумкин. Одатда, корхонанинг ўз айланма маблаёлари ҳамма вақт ҳам ўз ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш учун етарли бўлавермайди, лекин зарур бўлган айланма маблаёларнинг асосий қисмини ташкил қилиши даркор. Ҳозирги вақтда, айниқса, янги ташкил топган кичик корхоналарда ўз айланма маблаёларининг етишмаслиги ва кўпчилик ҳолларда банк кредитларидан ҳамда бошқа манбалардан фойдаланилиши уларнинг молиявий ҳолатини мунтазам ўрганиб бориш ҳамда батафсил таҳлил қилишни тақозо қилмоқда.

Молиявий ҳолат таҳлил қилинар экан, асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

- корхонанинг молиявий аҳволини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш;
- маблаёлар манбалари ва жойлашувини текшириш, уларни тўёри йўналишда ишлатилганлигини аниқлаш;
- тўлов мажбуриятларининг ўз муддатида бажарилганлиги, дебитор ва кредиторлик қарзлар таркибини ўрганиш;
- корхонанинг ўзига қарашли маблаёлари билан қарз маблаёлари ўртасида нисбатни ва айланма маблаёларнинг манба билан таъминланганлигини текшириш, молиявий интизомга қанчалик амал қилинишини аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо бериш;
- корхона мулкнинг қадрлилиги ва тез пулга айлана олиш даражасини ўрганиш;
- айланма маблаёлардан фойдаланишга баҳо бериш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича таклифлар бериш.

Таҳлилнинг асосий мақсади – молиявий фаолиятдаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, маблаёлардан янада тўёри фойдаланган ҳолда тўловга лаёқатлилини мустаҳкамлашга қаратилади.

Бизга маълумки, корхоналар молиявий фаолиятининг барқарор бўлиши бир вақтнинг ўзида корхона учун ҳам, давлат учун ҳам фойдалидир. Шу боис, ҳар доим корхона раҳбари ва давлат органлари корхоналарнинг молиявий барқарорлигидан бирдек манфаатдордир.

2.3. «Учқўргондонмахсулотлари» акционерлик жамиятининг бошқарув тизими таҳлили ва унинг фаолиятидаги асосий муаммолари

Корхонанинг бошқарув тизими функционал структурада ташкил этилган бўлиб, 4 поёнали иерархияга эга. Бу бошқарув тузилмаси раҳбарлар ва тузилма бўёинлари ҳар хил вазифаларда ва аниқ бўлинмалардаги бошқарув фаолиятини ихтисослаштиришга қаратилгандир. Функционал структурада ташкил этилган бошқарув тизимида ижобий ва салбий томонлари мавжуд бўлиб, унинг ижобий томонлари шундан иборатки, унда, биринчидан, бошқарув фаолияти чуқур ихтисослашади. Бу эса бошқарув

самарадорлигининг, касб – маҳорати даражасининг ўсишини таъминлайди. Масалан, маркетинг бўйича мутахассис шу соҳани бошқа юқори органлар раҳбарларидан яхши билади ва бу ишни юқори савияда бажаради.

Иккинчидан, функционал соҳада мувофиқлаштириш ишини яхшилашга эришилади. Хизматчилар эса бунга яхши ва тез қўникма ҳосил қиладилар.

Учинчидан эса, бу тизим моддий харажатларни камайтиради, бошқаришдаги такрорланишларга чек қўяди.

Бундай тизимда ҳар бир бошқарув бўёинга муайян функция бириктирилиб қўйилган бўлиб, ҳар ҳайси бўлим қуйидаги вазифаларга эга:

1. Ижтимоий масалалар ва маркетинг бўлими бошлиёи бошқарув раиси ўринбосари вазифаларига:

- бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқодларини олиб бориш;
- корхонанинг маркетинг ва баҳо стратегияларини ишлаб чиқиш;
- товар бозорида корхонанинг мавқеини диагностика қилиш;
- корхонанинг янги бозорга чиқиш имкониятларини таҳлил қилиш;
- янги маҳсулот ва янги бозорларга чиқиш бўйича талаб ва эҳтиёжларни аниқлаш, харидоларни излаш ва улар билан иш олиб боришни йўлга ҳўйиш;
- корхона маҳсулотларини сотиш, реклама ва сотишни раёбатлантириш бўйича иш олиб бориш;
- корхона маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш билан боёлиқ ҳужжатларни юрийтиш ва уларни назорат қилиб бориш;
- корхона ишчи-ҳодимларини меҳнат фаолиятларини яхшилаш, меҳнат шариоитларини яратиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

Бу бўлимга сотиш бўлими, тайёр маҳсулот ва моддий бойликлар омбори, дам олиш маскани, ошхона ва касаба уюшма бўлимлари бўйсунди.

2. Хом – ашё бўлим бошлиёи бошқарув раиси ўринбосари:

- корхонани хом – ашё билан таъминлайди ҳамда олиб келинган хом-ашёни ишлаб чиқаришга тайёр эканлигини назорат қилади;
 - хом – ашё етказиб берувчилар билан иш олиб боради ҳамда келиб тушган хом – ашё сифатини назорат қилади;
 - хом – ашёни етказиб берилиши билан боёлиқ ҳужжатларни назорат қилади;
 - хом – ашёни ўз ваҳтида етказиб келиш ва шу билан боёлиқ харажатларни назорат қилади;
 - корхонанинг транспорт ҳўжалиги фаолиятини назорат қилади;
- Бу бўлим таркибига хом – ашё бўлими, тайёрлов пунктлари, тарозихона, транспорт бўлими ва нефть маҳсулотлари омбори киради.

3. Бош муҳандис бошқарув раиси ўринбосари корхона ишлаб чиқариш жараёнининг тўёри ташкил этилишига жавоб беради. Шунингдек у қуйидаги вазифаларни бажаради:

- корхонадаги барча техникаларнинг фаолиятларини ва технологик жараёнларнинг узлуксиз амалга оширилишини назорат қилиш;
- корхонадаги ишчи - ходимларнинг техника ҳавфсизлигига амал қилишларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришдаги электро-энергия таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда шунга алоҳадор корхоналар билан муттасил алоҳада бўлиш;
- корхонадаги ички ва ташқи коммуникацияларни назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва корхонадаги техника-технологияларни модернизация қилиш.

4. Бош технолог бошқарув раиси ўринбосари қуйидаги вазифаларга жавобгардир:

- корхонадаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини қўпайтириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

- маҳсулотларнинг сифатини ва халқаро стандартларга мувофиқлигини назорат қилиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнларини такомиллаштириш;
- харидорларнинг талаб ва истакларига қараб маҳсулот турини бойитиш;
- чет эл тажрибаларига таяниб маҳаллий хом - ашёдан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини йўлга ҳўйиш.

Бош муҳандис ва бош технолог фаолиятлари ўзаро боёлиқдир. Шунинг учун улар ўз ишларини мувофиқлаштирган ҳолда лаборатория, электро - цех, механика цехи, қозонхона, қурилиш бўлими, техника хавфсизлиги бўлими ва соқчилик бўлимлари фаолиятини назорат қилишади.

5. Бош ҳисобчи бошқарув раиси ўринбосари корхонанинг молиявий ҳолатига жавобгардир. Шу билан бирга у:

- корхонанинг стратегик режасини белгилайди ва бизнес режасини ишлаб чиқади;
- корхонанинг айланма маблаёларини тақсимлайди;
- пул оҳимини назорат қилади;
- корхонани керакли маблаёлар билан таъминлайди;
- молиявий ҳисоботларни тайёрлайди ва юқори ташкилотларга тақдим этади;
- корхонанинг маблаёлари, даромад ва харажатларини, ишчи – ходимларга иш ҳаҳини тўёри ҳисоблаб борилишини назорат қилади;
- корхонанинг молиявий фаолиятини юритади ва назорат қилади.

Бош ҳисобчи режалаштириш бўлими, бош ҳисобчи муовини, хом - ашёни ҳисоблаш бўлими, иш ҳаҳи бўлими ва ишлаб чиқариш бўлимлари фаолиятларини назорат қилиб боради.

Шунингдек корхонада кадрлар бўлими ҳамда бошқарув раисининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси алоҳида фаолият кўрсатади.

Кадрлар бўлими бошлиёи асосий вазифаси корхонанинг ишчи – ходимларининг меҳнат фаолиятини назорат қилишдир. Шунингдек, у:

- корхона ходимларининг ўз ишига бўлган муносабатини ҳамда меҳнат интизомини назорат қилади;
- ходимларни ишга ҳабул қилади ва ишдан бўшатади;
- корхонанинг ходимларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди ва шунга мувофиқ уларни ишга ҳабул қилишни режалаштиради;
- ходимларни ишга ҳабул қилиш чоёида уларни танлайди ва баҳолайди;
- корхонада фаолият кўрсатаётган ишчи – ходимларни аттестациядан ўтказди ва уларнинг малакасини ошириш бўйича тадбирлар ташкил этади;
- корхона ходимлари фаолияти билан боёлиқ ҳужжатларни юритади ва назорат қилиб боради ҳамда уларнинг иш ваҳтини режалаштиради.

Бошқарув раисинининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси корхонанинг ҳуқуқий – шартномавий муносабатларини назорат қилади.

Функционал структуранинг салбий томонлари эса шундан иборатки, функционал органлар ўзига топширилган функцияларни сифатли бажаришдан манфаатдор бўлиб, «бегона» функциялар учун ҳам, бутун корхона фаолияти учун ҳам жавоб бермайди. Бунда ҳар бир раҳбар ўз функцияси бўйича фармойиш бериш учун барча ҳуқуқларга эгадир. Бу эса, биринчидан, якабошчилик тамойилининг бузилишига олиб келса, иккинчидан, ижрочиларнинг маъсулияти мустаҳкам интизом бўлмаслигига олиб келади. Чунки ҳар бир ижрочи бир бошлиққа эмас, айни ваҳтда бир неча бошлиққа бўйсунди ва баъзи ҳолларда улардан бир-бирига зид кўрсатмалар олади.

Корхонанинг бошқарув тизими самарадорлиги унинг якуний натижалари билан таҳлил қилинади. Самарадорлик корхонанинг соф фойдаси, рентабеллик ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари билан белгиланади.

Юқоридаги корхонанинг асосий муаммолари бошқарув тизимининг фаолиятини ташкил этишдаги айрим камчиликлари билан боёлиқдир. Авваламбор, корхонадаги

иқтисодий алоҳалар маркетинги ва савдо уйининг фаолиятини яхши ривожлантирилмаган. Корхонанинг маркетинг бўлимида малакали, айнан, маркетинг фаолиятини тўғри ташкил эта оладиган кадрлар етишмайди, шунингдек, корхона бозордаги талабга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқара олмаган. Бундан ташқари, корхона томонидан хом-ашё ресурсларини кўпайтириб юборган ва натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ортган, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган сарф-харажақлар режалашпириш бўлими томонидан нотўғри режалашпирилган ёки бозордаги маҳсулотга бўлган талаб ўзгарган.

Умуман олганда, вилоятимизнинг кўплаб корхоналарининг асосий муамолари корхонада, айнан маркетинг фаолияти йўлга ҳўйилмаганлиги, тўғри ташкил этилмаганлиги ва ушбу соҳа бўйича малакали кадрларнинг етишмаётганлиги билан боғлиқдир. Корхоналар раҳбарлари ишлаб чиқариш суръатини оширишга эътибор бермоқда. Бироқ улар ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратмаяптилар. Талаб ва эҳтиёжлар тамойили асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, ташқи бозорни ўрганиш, маркетинг изланишлари олиб бориш каби халқаро савдонинг ўта муҳим жиҳатларига бефарқ қаралмоқда. Корхоналарда ташқи савдо менежменти талаб даражасида эмас. Халқаро савдо қоидаларини пухта биладиган мутахассис кадрларни тарбиялаш, уларни малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар корхоналарда ўз ечимини топмаяпти.

Бундан ташқари, вилоят корхоналарининг ривожланишини таъминловчи экспорт учун ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотларининг жаҳон бозорида ўз харидорининг топа олмаётганлигининг яна бир сабаби, ишлаб чиқаришнинг доимий харажатлари – хом-ашё, энергоресурслар, транспорт ва бошқа харажатлар қийматининг ички бозорда юқорилигидир. Чунки бу маҳсулот таннархини ошириб, унинг рақобатбардошлигини ташқи бозорда пасайтириб юбормоқда. Бунга миллий валюта ва хорижий валюта курслари ўртасидаги тафовут ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказмоқда. Натижада экспортбоп маҳсулотлар ташқи бозорда эмас, балки ички бозорда сотилмоқда.

Хукуматимизнинг бугунги ташқи иқтисодий сиёсати эса маҳсулот экспортини кўпайтириш, экспорт саноатини ривожлантириш йўналишида туб ислохотлар ўтказишни тақозо қилмоқда. Шу боис ҳам барча даражадаги раҳбарлар, мутахассис олимлар, амалиётчилар корхонани иқтисодий ва технологик соёломлаштириш борасида туб изланишлар олиб боришлари ва уни ҳаётга тадбиқ этишлари даркордир.

